

ИНСОН МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ РОЛИ

THE ROLE OF SOCIAL DEVELOPMENT IN HUMAN SPIRITUAL GROWTH

РОЛЬ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ В ДУХОВНОМ РАЗВИТИИ ЧЕЛОВЕКА

HUSNIDDIN AHMEDOV,

*Director of the Center for advanced training
under the INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY
OF UZBEKISTAN,*

*Doctor of political sciences, Associate professor
II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
akhmedov@mail.ru*

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/13

Аннотация. Ушбу мақолада инсон маънавий юксалишида ижтимоий тараққиёт жараёнларининг ўрни, унинг ўзига хос жиҳатлари, улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ёритилган. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, уларнинг натижалари инсон қадрлари учун, одамларнинг ижтимоий кайфиятига ижобий таъсир кўрсатаётгани аниқ мисоллар асосида очиқ берилган. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси инсоният учун янги имкониятлар билан бирга қўлланмаган турли муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Инсон маънавияти ва миллий қадриятларга қарши қўллаб-таътир ва хавф-хатарлар ошириб бормоқда. Тараққиёт жараёнида инсон, халқ ва миллат маънавияти жамият ҳаёти қандай бўлишига қараб ўзгариб, яхшиланиб бораётгани таъкидланган. Жамиятнинг ижтимоий кайфияти эса амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, уларнинг аниқ натижаларига боғлиқ бўлиши бу соҳанинг қонуниятларидан бири эканлиги қайд этилган.

Шу ўринда, Янги Ўзбекистонда барча соҳалардаги ислоҳотлар мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани ҳақида фикр юритилган. Ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланган. Айниқса, мамлакатимизда катта ва туб ўзгаришлар билан йўғрилган давр руҳи одамларнинг кайфияти, инсон қадрлари, одамларнинг бугунги кундан розилиги ва эртанги кунга ишончи, ҳар бир фуқаронинг эртанги кун учун орзу умидлари ва режаларига ижобий таъсир кўрсатаётгани алоҳида таъкидланган.

Янги Ўзбекистонда халқ билан очиқ мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, нафақат ташиқ сиёсат соҳасида, балки ички сиёсатда ҳам кенг

қўлланаётган, умуммиллий феноменал ҳодисага айланди. Ушбу ҳодисанинг барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари ва халқ ўртасида, раҳбарлар ва аҳолининг барча қатламлари, жумладан, ёшлар ўртасида ҳам кенг ёйилиб, уларнинг ҳаёт тарзига айланиб бораётгани жамиятимизда демократик ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштиришида муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани тўғрисида фикр юритилган. Табиийки, бу жараёнлар жамият ҳаётида очиқ ва самимий мулоқот муҳитини, одамларни тушуниш, уларнинг дарду таъвишлари билан яшаиш, одамларни қийнаётган ҳаётини муаммоларига амалий нуқтаи назардан кўмак бериш руҳини шакллантирмоқда.

Мақолада жамиятда маънавиятли, яхши хулқли, қалбида эзгулик ва мурувват уруғи барқ урган ёшларни тарбиялаш ҳар қачонгидан муҳим эканлиги, бугунги ёшлар янгича фикрлашга, янги гоялар билан йўғрилган, уларни амалга оширишга ижодий ёндашувлар асосида мамлакатни тараққий эттиришга қодир ёш авлод учун яратилаётган катта имкониятлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Инсон, инсон қадрлари, ислоҳот, жамият, маънавий юксалиш, ижтимоий тараққиёт, ёшлар маънавияти, маънавий тарбия, ижтимоий кайфият, давр руҳи, инновация, тафаккур.

Abstract. This article describes the role of social development processes in the spiritual development of humanity, its specific aspects, and the integral connection between them. It discusses present reforms in New Uzbekistan today in the socio-political, religious, and enlightenment spheres are considered the results, which have a positive impact on human dignity and the social mood of the people. These issues have been revealed based on concrete examples. The ideological landscape of today's world poses new challenges for humanity and unexpected challenges. Several threats and dangers exist to human spirituality and a national value. The spirituality of mankind and the nation can change and improve depending on the matters of which the society is composed. The social mood of the community is one of the industrial laws, which depends on the actual implementation of changes and reforms, including the concrete results.

Therefore, it mentions that New Uzbekistan reforms in all areas are rising to a new level in terms of content and quality. In the current complex and turbulent times, the role and influence of spiritual and educational issues are exponentially growing.

It is a fact that this phenomenon is spreading among all levels of government and its people and becoming an essential part of deepening the process of democratic change in our society. Moreover, these processes create an atmosphere of open and sincere communication in the life of a community, including the spirit of understanding people, living with their pain and worries, helping them from a practical point of view with the problems of life that afflict them.

The article examines the importance of providence of education to young people who are spiritual, well-mannered, kind, and compassionate in society.

Keywords: Human, human dignity, reform, society, spiritual growth, social development, youth spirituality,

spiritual upbringing, social mood, a spirit of the period, innovation, thinking.

Аннотация: В данной статье описывается роль процессов общественного развития в духовном развитии человека, его специфические аспекты, неотъемлемая связь между ними, которые основаны на конкретных примерах. Идеологический ландшафт современного мира ставит перед человечеством как новые, так и неожиданные вызовы. Есть много угроз и опасностей против человеческой духовности и национальных ценностей. Отмечено, что в процессе развития духовность человека, народов и наций меняется и совершенствуется в зависимости от того, каким образом складывается жизнь общества. Отмечено, что социальное настроение общества является одним из законов, от которого зависит эффективное осуществление изменений и реформ, включая их конкретные результаты.

В этой связи было отмечено, что в Новом Узбекистане реформы во всех сферах выходят на новый уровень по содержанию и качеству. Подчеркивается, что в сегодняшнее сложное и беспокойное время возрастает роль и влияние духовно-просветительской работы. В частности, было отмечено, что дух периода больших и коренных перемен в нашей стране положительно влияет на настроение людей, их человеческое достоинство, а также на степень удовлетворенности людей сегодняшним днем и их уверенности в завтрашнем дне, на надежды и планы каждого гражданина.

В новом Узбекистане открытый диалог с народом поднялся до уровня государственной политики и стал общегосударственным явлением, широко используемым не только во внешней, но и во внутренней политике. Считается, что распространение этого явления среди всех уровней власти и общества, руководителей и всех слоев населения, включая молодежь, становится важной частью углубления процесса демократических преобразований в нашем обществе. Естественно, эти процессы создают атмосферу открытого и искреннего общения в жизни общества, в целях понимания проблем простых людей, их заботам и тревог, оказания им практической помощи в решении их жизненных проблем.

В статье рассматривается важность воспитания духовно воспитанных, добрых и сострадательных молодых людей, чутких к проблемам общества.

Ключевые слова: Человек, человеческое достоинство, реформа, общество, духовный рост, общественное развитие, духовность молодежи, духовное воспитание, общественное настроение, дух эпохи, новаторство, мышление.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган қучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган қучли маънавият”.

Шавкат Мирзиёев

КИРИШ

Бугунги кунда бутун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сураётгани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон майдонида турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бормоқда, дунё шиддат билан ўзгармоқда. Бутун дунёда ҳар куни янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, уларнинг натижалари инсон қадри учун, одамларнинг ижтимоий қайфиятига ижобий таъсир кўрсатаётгани аниқ мисоллар асосида очиб берилган. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси инсоният учун янги имкониятлар билан бирга қутилмаган турли муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Инсон маънавияти ва миллий қадриятларга қарши қўплаб таҳдид ва хавф-хатарлар ошиб бормоқда. Эгоистик қарашлар асносида ҳалол меҳнатга, муқаддас оилага енгил қараш, истеъмолчилик қайфияти турли йўللار билан инсониятга, айниқса, ёшлар онгига турли ёт гоёлар устамонлик билан сингдирилмоқда.

МЕТОДЛАР

Ижтимоий тараққиёт жараёнида инсон, халқ ва миллат маънавияти жамият ҳаёти қандай бўлишига қараб ўзгариб туради, муайян жамиятнинг ижтимоий қайфияти эса амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислохотларнинг қанчалик самарали амалга оширилиши, уларнинг аниқ натижаларига боғлиқ бўлиши бу соҳанинг қонуниятларидан биридир.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон халқи янги тараққиёт даврига қадам қўйди. “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси” асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантикий давоми бўлган янгиланишлар ва ўзгаришлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотлар суръати ўзгариб, уларнинг мазмуни

ва ижтимоий аҳамияти янада такомилланиб бормоқда. Бу – янги тараққиёт ва миллий юксалиш даври бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида бошланган буюк йўл, яъни янгиланишлар ва ўзгаришлар самарали давом эттирилишидан далолат беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган Республика Маънавият кенгашининг видеоселектор йиғилишидаги маърузасида асослаб берилган ва изчил амалга оширилаётган стратегик йўналишлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев ушбу йиғилишда – “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, дея алоҳида таъкидладилар. “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият” (Mirziyoyev, 2021).

Президентимиз маърузасидаги ҳар бир йўналиш ўз мантикий асосларига эга бўлиб, жамият маънавий ҳаётига дахлдор муҳим масалалар юзасидан мавжуд вазиятга объектив баҳо бериш билан бирга, уларни такомиллаштириш борасида тегишли йўналишда белгилаб берилаётган давлат сиёсатининг асосларини очиб беради. Мана шуларнинг ўзиёқ маърузани ўзбек давлатчилиги маънавий ривожланишининг яқин ва ўрта даврларга мўлжалланган устуворликларини кўрсатувчи муҳим ҳужжат сифатида баҳолашга асос бўлади. Бу орқали давлатимиз раҳбари ютуқлар хусусида ҳам, камчиликлар хусусида ҳам фикрлашди, юрт, миллат олдида турган муҳим масалаларни белгилаб олиш ва ҳал қилишда барчани бирлашишга даъват қилди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишларида ва маърузаларида илгари сураётган ҳар бир ғоя нафақат мамлакат келажаги, юртимизнинг эртанги тақдири учун ниҳоятда аҳамиятлилиги, балки халқнинг доимий эътиборида, назоратида турган ушбу масалаларнинг ижросига жиддий масъулият билан ёндашишни ҳам талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётимизда ёшларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, янги давр руҳида тарбиялаш борасида янги имкониятларни яратмоқда (Akhmedov, 2020).

Миллий тараққиётимизнинг янги даврида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва инсон қадри учун деган эзгу ғоя ва улуғ мақсад қўйган эканмиз, барча соҳалардаги ислохотлар янги босқичга кўтарилаётгани, ўз навбатида маънавий-

маърифий жараёнларнинг сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Айниқса, катта ва мисли қўрилмаган янгиланишлар ва ўзгаришлар билан йўғрилган давр руҳи одамларнинг кайфияти, бугунги кундан розилиги ва эртанги кунга ишончи, уларнинг ҳаётга қараши, орзу умидлари ва келажақдаги режаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон халқи, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли юртимизда ижобий ўзгаришлар жараёнининг тезлашганини ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила мана шу каби ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи ва ўз навбатида иштирокчиси эканлиги фикримизнинг исботидир. Халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, уни доимо асраб-авайлаб келади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади, ижтимоий тараққиёт таъминланади, инсон маънавияти юксалади. Оилалардаги ўзаро ҳурмат ва тотувлик сабаб ёшлар тарбиясидаги маънавий камолот мустаҳкамланади. Бугун юртимизда тинчлик таъминланганлиги боис, хонадонларимиздаги хотиржамлик, тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳит, мустақил ҳаёт оstonасида турган ҳар бир фарзандларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ.

Бутун жаҳон ҳамжамияти ўзбек ёшларининг турмуш тарзи янгича маъно-мазмун касб этиб бораётганини ҳақли равишда эътироф этишмоқда. Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва малакасини рўёбга чиқариши учун, жумладан, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш борасида барча шарт-шароитлар тўлиқ яратилган. Ҳоҳ спорт бўлсин, ҳоҳ таълим олиш, ҳоҳ ўзларининг янги имкониятларини намоён қилиш бўлсин барча-барчаси учун давлатимиз ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизни янгича фикрлашга, илғор касб-ҳунарларни эгаллашга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга, қобилият ва истеъдодларини тўлиқ рўёбга чиқаришга ва бу орқали мамлакатимизни тараққий эттиришга имкон беради. Мамлакатимизда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номлангани ҳам сўзимизнинг тасдиғидир.

Сўнгги йилларда республикаимиз барча ҳудудларида ёшлар учун янги имкониятлар эшигининг очилиши ёшларнинг ҳар томонлама замонавий билим олишлари учун барча шароитлар тўлиқ яратилиб берилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда ташкил этилаётган кутубхоналар,

спорт майдончалари ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурганига барчамиз гувоҳимиз. Бу ишлар айни пайтда ҳар қачонгидан ҳам янада ривожлантирилмоқда. Кувонарли жихати шундаки, мана шу каби турли синовларда тобланиб, иродаси чиникқан фарзандларимиз жисмоний ва маънавий жихатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши шубҳасиз.

Маҳаллаларда касб-ҳунарга ўргатиш марказларининг очилиши ёшларга нафақат маҳалла ёки мактабда, балки катта ҳаётда ҳам зарур бўладиган замонавий касб-ҳунарларни ўргатмоқдалар. Шу сабабли, йигит-қизларимиз ўртасида касб ҳунари ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Афсуски, кейинги пайтларда ёшлар тарбиясида муаммолар пайдо бўла бошлагани, айниқса, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган иштиёқи бирмунча сусайиб кетгани ҳеч биримизга сир эмас. Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Беш муҳим ташаббус” дастури доирасида янги типдаги замонавий кутубхоналар ишга туширилди, ёш авлодни китобхонликка қизиқтириш бўйича ишлар жонлантирилди. Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли ёшлар учун яратилаётган қўплаб имкониятлар ва берилаётган турли даражадаги имтиёзлар ёшларнинг янги руҳда ўқиши ва ишлашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ёшлар тарбияси ҳақида гапирганимизда, ёшлар маънавияти, уларнинг тарбияси, ота-онасига нисбатан ҳурмати, кекса авлод вакилларига бўлган ҳурмат билан боғлиқ айрим муаммолар ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда жаҳоннинг қўплаб минтақаларида ҳамон кескин вазият сақланиб қолаётганлиги, турли хил низо ва зиддиятлар авж олаётгани ҳақида юқорида фикр юритдик. Бу ўз навбатида ёшлар онгига, дунёқарашига ва уларнинг тарбиясига, улғайишига ҳамда маънавиятига жиддий салбий таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз раҳбари маърузасида таъкидлаганидек, “Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланган.

“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”, - дея алоҳида тўхталганлари бежиз эмас (Mirziyoyev, 2021).

Ҳозирги кунда дунёнинг мафкуравий манзараси ёшлар билан боғлиқ ҳар бир масалада ҳар қачонгидан

ҳам ўта сергак ва сиёсий ҳушёр бўлишимизни тақозо этмоқда. Чунки бутун дунёда наркобизнес, терроризм, экстремизм ва бошқа шу каби хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлардаги тарқатилаётган турли хил асоссиз маълумотлар ёшлар онгига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Юртимиздаги кечаётган жараёнларни кескин ва ноҳолис талқин қилувчи, бўхтон, тухмат ва ғийбат билан тўлиб-тошган материалларни ўқиётган юртдошларимиз юқоридаги маълумотлардан тўғри хулоса чиқаришлари учун ижтимоий тармоқларда берилаётган маънавий хуружларга илмий асослаган маърифат билан жавоб беришимиз зарур. Юртимиз ёшларини Она юртга вафо ва садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз керак.

Дунёда тобора кучайиб бораётган бундай хавф-хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Бу шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун виртуал оламда ҳам фаол ҳаракатлар олиб бориш зарур. Энг аввало, ғараз мақсадда амалга оширилаётган ташқи ғоявий таъсирлар, мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларга ҳолис ёндашув байроғи остида берилаётган бир ёқлама ахборотлар ва баҳоларнинг олдини олиш, турли алдовларга қарши объектив маълумотларни кишиларга тезкор, тизимли ва тадрижий етказиб бериш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Бугун ахборот ҳам истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир фуқародан, ҳар бир оиладан, ҳар бир ота-оналардан ўта сергак ва ҳушёр бўлишни ва барча касб эгалари, айниқса, педагогларга катта масъулият юклашини ҳис қилишимиз зарур. Шу ўринда ахборот истеъмоли маданияти тушунчасига тўхталиб: бу - энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Ҳар бир инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда “*Бу ахборотни ким узатаяпти?*”, “*Нима учун узатаяпти?*” ва “*Қандай мақсадда узатаяпти?*” деган саволларни ўз-ўзига бериши,

унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак. Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва ҳулкидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ушбу жиҳатлар ёш авлодда шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, у тараққиётга ва маънавий юксалишга ёрдам берадиган ахборотни танлаш имконини бериши лозим. Фақат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни ногўғри талқин қилишининг олди олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланган бўлади. *“Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қиладиган”,* - деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

ТАҲЛИЛ

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш келгусида жамиятимиз олдида турган **муҳим ва устувор вазифалардан** эканини таъкидлаш зарур:

- ёшларнинг ахборот муҳитидаги ижтимоий онгини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш;
- ўсиб келаётган авлоднинг медиа-саводхонлигини мунтазам ошириб бориш;
- виртуал ахборот ҳудудида ёшларнинг устувор нуқтаи-назарлари ва қизиқишларини мунтазам ўрганиш;
- келажак авлоднинг маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан аҳолини ҳимоя қилиш;
- ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи **“оммавий маданият”** таҳдиди ва ёт оқимларнинг ҳақиқий моҳиятини фожива этиб қўйиш (Ахмедов, 2021, pp. 76-77).

Яна шуни афсус билан алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда баъзи ёшларимизда интернетдан тўғри фойдаланиш кўникма ва

маданияти етарли эмас. Ижтимоий тармоқлар орқали бериб борилаётган маълумотлардан тўғри фойдаланиш учун ёшларимизни миллий тараққиётимизга зид бўлган ноҳолис ахборотлардан асраш, бунинг учун ёшларни мафкуравий иммунитетини ошириш, улар учун керакли бўлган холис ахборотни ўз вақтида ўзимиз таъминлаб беришимиз керак бўлади. Шу орқали уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашимиз мумкин. Бугунги кунда ёшларимизнинг интернетни ахборот олиш учун ишончли манба деб билиши, билим ва маърифат олиш учун қулай деб ҳисоблаши турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлаётгани барчамизга аниқ. Мана шундай мафкуравий кураш шароитида ёшларимиз сиёсий жиҳатдан ҳушёр ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада аввало ота-онаси, оиласи, яқинлари, энг муҳими мана шу Юрт, ватан манфаатини ўйлаб иш тутиши зарурлиги керак.

Фарзандларимизни илм-маърифат ва касб-ҳунарга ўргатиш, ёшларнинг интилишини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсон оилани муқаддас билиши, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, бой меросимизга, миллий ва маънавий, диний қадриятларимизга садоқатли фазилатлар тарбиялашимиз бугунги куннинг энг биринчи даражали иши эканлигимиз барчамиз юрак-юракдан ҳис қилишимиз шарт. Бу ижобий фазилатлар азал-азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз мана шундай улуг аждодларимизнинг бебаҳо меросини нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак. Шу ўринда айтиш жоизки, ёшлар тарбиясидек залворли ва масъулиятли ишга ҳеч биримиз бефарқ бўлмасдан, бу каби яхши амалларни тўла-тўқис адо этишимиз барчамизга бирдай катта масъулият юклайди.

Дунё шундай шиддат билан ўзгараётган бир пайтда, халқаро ҳамжамиятда рўй бераётган вазиятни тўғри ва холис баҳолаган ҳолда, юртимизда бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур анлаган ҳолда ёшлар тарбияси бўйича менталитетимизга хос ва мос равишда, бугунги кун ва замон билан ҳамоханг тарзда олиб боришимиз зарур. Ёшларимизни бузғунчи ва зарарли ғоялар асрашимиз учун яратилаётган барча имкониятлар оқилона фойдаланишимиз лозим (Akhmedov X. Rakhimjanov D, 2020). Ёш авлод тарбиясида аввало, ҳар бир педагог, таълим муассасаларида фаолият юритаётган зиёлиларимиз масъулиятни ҳар қачонгидан чуқурроқ анлаган ҳолда ёшларни бепарволик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик кайфиятидан халос бўлиши учун бор куч имкониятимизни ишга солишимиз керак.

Бугунги кунда Президентимизнинг халқ билан бевосита мулоқотларнинг шакл ва мазмуни ўзгариб, самараси ошиб бораётгани, 2022 йилни **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла”** йили деб эълон қилингани халқ кайфиятини кўтариб, унинг ислохотларга дахлдорлигини бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жойларда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларнинг бориши, ҳудудларда олиб борилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан яқиндан танишиш мақсадида ҳар бир ҳудудга амалга ошираётган сафарлари, бу жараёнда турли соҳа вакиллари, мутахассис ва мутасадди инсонлар, аҳолининг кенг қатламлари билан олиб бораётган очик мулоқотлари жуда самарали бўлмоқда. Бундай сафарлар пайтида давлатимиз раҳбари одамларнинг ижтимоий фаолиятда, шахсий ҳаётда эришаётган натижалари, эртанги кунни ўзларига қандай тасаввур қилаётганига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Жойларга ташрифи чоғида маҳаллаларда бўлиб, аҳолининг яшаш шароити, одамларнинг келажакдаги режалари, ҳаётий муаммолари билан бевосита яқиндан танишмоқда. Бундан ташқари, жойларда реал ҳолатни кўздан кечириб, раҳбарларнинг фаолияти қандай йўлга қўйилгани, аҳолини қизиқтираётган муаммолар нималардан иборат эканлиги, одамлар қандай масалалар билан кўпроқ мурожаат қилаётганлари билан қизиқмоқда, бу борадаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича зарур топшириқлар, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бермоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Афсуски, кўпчилик раҳбарлар халқнинг ичига кириб, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшашни қандайдир иккинчи даражали иш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам улар кўп-кўп масалаларда заиф ва ожиз бўлиб қолмоқда.

Аслида халқ билан мулоқот, доимо инсонлар ташвиши ва муаммоларини ўйлаб яшаш ҳар қандай раҳбар учун биринчи ва муқаддас вазифа бўлиши шарт” (Mirziyoyev, 2021, p. 41).

Социология фанида ижтимоий мулоқот тушунчасига, инсон, халқ ва аҳоли кайфиятини билиш, шу асосда муҳим ҳулосалар чиқаришнинг асосий воситаси сифатида қаралади. Сиёсатшуносликда эса мулоқот халқлар, давлатлар, турли сиёсий партиялар ўртасида ўзаро мурожаат, консенсусга, фикрлар яқдиллигига эришиш, умумий бирлик, тинчлик ва тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим воситаси, сиёсий, дипломатик йўл ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий мулоқот масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, нафақат ташқи сиёсат соҳасида, балки ички сиёсатда ҳам кенг қўлланаётган, умуммиллий феноменал ҳодисага айланди. Ушбу ҳодисанинг турли бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари ва халқ ўртасида, раҳбарлар ва аҳолининг барча қатламлари, жумладан, ёшлар ўртасида ҳам кенг ёйилиб, уларнинг ҳаёт тарзига айланиб бораётгани жамиятимизда демократик ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу мулоқотларда кўплаб давлат ташкилотларининг мутасадди ходимлари аҳоли, айниқса, ёшларни қизиқтирган, уларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган турли мавзудаги саволларга аниқ жавоб қайтаришмоқда.

Табиийки, бу жараёнлар жамият ҳаётида очик ва самимий мулоқот муҳитини, одамларнинг ҳаётий муаммоларига амалий нуқтаи назардан, уларга ҳамфикр бўлиб ёндашиш руҳини шакллантирмоқда. Энг муҳими, халқнинг ижтимоий кайфиятини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бу каби ислохотларнинг самараси ўлароқ, одамларнинг сиёсий маданияти юксалиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятининг, ҳуқуқий онгининг ошишига хизмат қилади. Бугунги кунда одамларда ўз юртига, унинг халқи ва раҳбариятига бўлган ҳурмати, ишонч-эътиқоди юксалмоқда, ташаббус кўрсатиб яшашга бўлган рағбат кучаймоқда. Шу тариқа ижтимоий мулоқот Ўзбекистонда таъсирчан демократик бошқарув воситасига, жамият ҳаётини тубдан ўзгартирадиган муҳим ва ноёб феномен-институционал сиёсий ҳодисага айланмоқда (АХМЕДОВ, 2018).

Яна бир муҳим жиҳат тўғрисида ҳам алоҳида тўхталишни жоиз деб билдим, яъни ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган йирик тадбирлар – давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг форуми, 2021 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган Республика Маънавият кенгашининг видеоселектор каби маънавият йўналишидаги йиғилишларида долзарб вазифалар белгилаб берилгани ҳар бир соҳа вакилига катта масъулият юклашини ҳис қилишимиз лозим. Чунки бу борада ечимини кутиб турган, ўзгаришлар шамоли кириб бормаган масалалар ҳам талайгина эканлиги масаланинг нақадар муҳимлигидан далолат беради. Ҳозирги кунгача миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафқурани тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмаслиги миллат учун ачинарли ҳол эканини бугун ҳар бир

фукаро тушуниб етиши шарт. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мафкурасининг асосий ғоясини таъкидлаб: “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган” – дея фикр билдирган (Mirziyoyev, 2021).

Тараққиёт стратегиясида асосий устувор вазифа сифатида белгилаб берилган “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш” деган ғоя мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзак масаласи бўлиб қолмоқда. Бу аввало, қабул қилинаётган қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, фармон ва фармойишларнинг барчасида акс этмоқда. Бу ҳужжатлар бевосита одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилашга, уларнинг кайфиятини кўтаришга, яъни одамларни рози қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳар бир инсоннинг онгу тафаккурини юксалтиришга хизмат қилаётгани амалий ҳаётда яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси ушбу соҳалардаги ислохотлар туфайли шаклланаётган ижтимоий кайфиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, одамларда ислохотларга нисбатан фаол ёндашувни шакллантириш, жамиятга бўлган муносабатини кўрсатиш, ташқи дунё билан ўзаро алоқада ўзини амалий англаш усуллари топиш имкониятини беради. Бундай ёндашув ўз навбатида, ижтимоий ишларга қизиқиш, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, шахсий аҳамиятга эга эканлигини англаш ва ташкилотчилик қобилиятининг мавжудлигини англатади. Барча фуқароларнинг турли хил ижтимоий аҳамиятга эга фаолият турларига қўшилиши ижтимоий мулоқот доирасини, ижтимоий қадриятларни ўзлаштириш имкониятларини, шахснинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришни сезиларли даражада кенгайтиради. Маънавий баркамол шахс ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, инсон, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда маънавий омиллар муҳим аҳамиятга эгадир. Бу каби ижтимоий жараёнларда ҳар бир инсон фаол бўлиши лозим. Маънавий баркамол инсон ўз манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун қўймайди. Аксинча, ижтимоий тараққиётни таъминлаш учун ўзининг ҳузур ҳаловатидан воз кечади, жамият барқарорлиги

йўлида бор билими, малака ва кўникмаларини ишга солади ва бу орқали маънавий юксалишга интилади. Халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун деб билади. Шундай экан, инсондаги барча фазилатлар, қадриятлар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, балки буларнинг барчаси кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Инсон табиати турфа оламга ўхшайди, яъни айрим тоифа инсонлар меҳрли, оқибатли, саховатли бир сўз билан айтганда одамгарчилиги юқори бўлса, айрим тоифали инсонлар борки, улар ўта кетган тубан, худбин, фақат ўзининг манфаатини ўйлайдиган дилозор, умуман бир сўз билан айтганда инсонийлиги йўқ кимсалар бўлади. Ҳар иккала тоифадаги шахслар ҳам Сиз билан биз яшаётган жамиятда яшаб фаолият юритишади. Бундай бўлишига асосий сабаб, сизу бизни ўраб олган ижтимоий муҳит бир хил бўлсада, табиатимиздаги ўзига хослик турлича, яъни яхши инсонлар тарбия топган оилада маънавий баркамоллик устун бўлса, инсонийлиги йўқ кимса тарбия топган оиладаги муҳит маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Маънавий юксалиш аввало, оила, маҳалла, жамиятнинг узвий боғлиқлигига бевосита боғлиқ. Бугун жамиятимизда илгари сурилаётган асосий ғоя ҳар бир соҳада ютуққа ва муваффақиятга эришиш учун маҳаллабай ишлаш лозимлиги бот бот айтилаётгани бежиз эмас. Бундан кўриниб турибдики, тартибли инок оилада, тинч ва осойишта маҳаллада, инсонлари кадр топган жамиятда мард ва олийжаноб йигитлар, ифбатли қизлар камол топади. Айни пайтда жамиятда маънавиятли, яхши хулқли, қалбида эзгулик ва мурувват уруғи барқ урган ёшларни тарбиялаш ҳар қачонгидан муҳимроқ эканлигини анлашимиз лозим. Биз орзу қилган адолатли жамиятни бу каби фазилатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшларимизда, умуман ҳар бир фуқарода сизу билан биз яшаётган Ватанга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришимиз зарур (Axmedov, 2021).

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” эзгу ғоянинг моҳияти шундаки, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ижтимоий тараққиётга ва инсон қадрини улуғлашга хизмат қилаётганидан дарак беради. Бугун жамиятда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар ва янгиланишлар ўзбек халқининг миллий тараққиёти умуминсоний қадриятлар билан узвий боғлиқ. Шу ўринда айтиш мумкинки, жамиятнинг маънавий тараққиёти одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини намоён қилиш ва бу жамиятда демократик янгиланишларнинг бугунги

босқичида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон қадрининг ҳамма нарсадан устун эканлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, жамиятда ҳар бир инсон учун энг эзгу, энг олижаноб ахлоқий-маънавий хислатларни намоён қилишга ва ривожлантиришга янги имкониятлар бериши шубҳасиз.

Жамиятда ижтимоий тараққиёт ва маънавий юксалиш тушунчалари моҳиятан мураккаб, баъзан зиддиятли кечадиган, ҳар доим ҳам бир айнан бир хил мезон ёки айнан бир хил меъёрлар билан ўлчанмайдиган жараёндир. Бунинг намоён бўлиши ва шаклланиши ҳар доим ҳам айнан бир шахснинг, ҳатто ижтимоий муҳитнинг ҳам ихтиёрига боғлиқ бўлмаслиги айни ҳақиқатдир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одати, анъана ва қадриятлари борки, бу шу халқнинг маънавияти, миллий қадриятлари билан белгиланади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир халқнинг тарихий шаклланган ва ҳаёт синовларидан ўтган ўзига хос бетакрор мерослари мавжуддир. Маънавий мерос, миллий ва диний қадриятлар ижтимоий ҳаётда, шахс маънавий камолотида ўз ўрнини топганлигини кўришимиз мумкин:

биринчидан, бугунги кунга авлодлар яратган бой мерос сифатида етиб келган;

иккинчидан, маънавий мерос илм, фан, кашфиётлар асосида бойитилган;

учинчидан, диний қадриятлар муқаддас китобларга асосланган тарғибот орқали кишилар онги ва дунёқарашига мос равишда авлоддан-авлодга ўтиб келган.

НАТИЖАЛАР

Янги Ўзбекистонда жамият ва инсон қадрини улуғлаш тушунчалари тубдан ўзгарди. Шунга қарамадан дунёда ижтимоий ҳаёт ривожланишига, тинчликка таҳдид солувчи экстремизм, халқаро терроризм ва нарқобизнес, коррупция ва уюшган жиноятчилик, экологик танглик бузилишлар каби глобал хавф-хатарлар юзага келиб, жаҳон ҳамжамятини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Умуман олганда, инсон маънавий юксалишида маърифат, маданият, тарбия, маънавий мерос каби тушунчаларнинг ўрни ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бу тушунчаларсиз маънавиятни шакллантириш, бугунги ёш авлодни шахс сифатида жамиятнинг таркибий қисми сифатида маънавий юксалишга етказиш мураккаб жараёндир.

Ўз навбатида, халқимизнинг маънавий қудрати ва боқий қадриятларини асраб-авайлаш ва бутун

дунёга тараннум этиш учун албатта ёшларимиз билимли, қобилиятли, истеъдодли ва албатта ақлли дунёқараши кенг, шу билан бирга замон билан ҳамнафас бўлиши шарт.

Буларнинг барчаси ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари”, “Инсон қадри учун” деган ҳаётий тамойилларни амалга оширишга хизмат қилаётгани шубҳасиз (2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi, 2022).

Айни пайтда жамият ҳаётидаги ана шундай ўзгаришлар кўплаб янгиланишлар ва сифат ўзгаришларига олиб келмоқда. Масалан, Мустақиллик куни, Конституция куни, Ватан химоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз каби байрамларни нишонлашда бадиий дастурларнинг халқ сайилларига мос ҳолда анъанавийлик, халқ руҳига яқинлик, самимийликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузалари, турли учрашувларда билдираётган фикрлари, имзолаётган давлат аҳамиятига молик барча ҳужжатларида ана шу мақсад эътибор марказига қўйилмоқда. Бу борада айрим ташкилот ва идоралар раҳбарлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар рўйи рост айтилмоқда. Жумладан, Президентимиз 2022 йил 10 февралда Самарқанд вилоятига сафари чоғида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳимлиги алоҳида билдириб ўтди (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи, 2022).

Ана шундай камчиликлар туфайли ҳаётнинг турли соҳаларида долзарб муаммолар йиғилиб қолган эди. Масалан, ижтимоий муҳофаза соҳасини олайлик. Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланди. Бу борада кучли тизим шаклланди. Лекин, бир пайтлар юқорида зикр этилган камчиликлар туфайли бу соҳада ҳам айрим муаммолар пайдо бўлган эди. Хусусан, пенсионерларнинг нафақа пулини ҳатто, энг олис кишлоқларда ҳам тўлиқ пластик карточкалар орқали тўланган эди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган талабаларнинг стипендияларини тўлашда

хам шундай ҳолатлар мавжуд эди. Бундан ташқари аҳоли учун энг муҳим дори-дармонлар нархининг тинимсиз ошиб бориши, табиий газ етиб бормаган аҳоли пунктларини кўмир билан таъминлаш, электр таъминотидаги узилишлар-буларнинг барчаси аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу муаммоларнинг барчасини чуқур ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Бундан ижобий ўзгаришларни халқ, оддий одамлар адолат тантанаси сифатида кутиб олди ва буларнинг барчаси уларнинг ижтимоий кайфияти, маънавий оламида юксак ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жойлардаги учрашувлари, маҳаллаларга ташриф буюриб, бу ерда оддий одамлар ва маҳалла фаоллари билан учрашиб, улар билан дилдан гаплашиб, халқнинг дарду таъшишларини эшитиб, профилактика инспекторлари ва аҳоли учун яратилган қулай шароитлар билан мулоқотлари халқ кайфиятини янада яхшиламоқда. Буларнинг барчаси аҳоли, жумладан, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда жуда муҳим аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Қайд этилганларнинг барчаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида халқ руҳи ва кайфиятини кўтарадиган масалаларга улкан эътибор қаратилаётганининг ифодаси бўлиб, улар пировард натижада жамият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бундай таҳликали вазиятда ҳар биримиз замон билан ҳамнафас бўлиб, ҳар бир масалада сиёсий хушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшашимиз зарур.

АДАБИЁТЛАР

- (2022). 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi. Toshkent.
- Akhmedov X. Rakhimjanov D. (2020). Protecting youth from the influence of extremist ideas and social rehabilitation. Research in Dynamical and Control systems.
- Akhmedov, X. (2020). Education and spiritual education. The Light of Islam, 139-144.
- Akhmedov, X. (2021). Ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlash asoslari. Toshkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
- Kadirov, M. (2020). The Strategy of the object conditions and sub-factors in the development of civil society in Uzbekistan. The Light of Islam.
- Kakhharova, M. (2018). Question of studying personal spiritual and moral development. Eastern European Scientific Journal.
- Mirziyoyev, S. (2016). Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2017). Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2017). Konstitutsiya - erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2017). Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (20 sentabr 2017 r.). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. Ma'rifat.
- Mirziyoyev, S. (2017). Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligi garovi. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2017). Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2018). Bilimli avlod - buyuk kelajagimizning, tadbirkor xalq - farovon hayotning, do'stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2018). Xalqimiz roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (2019). Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi. Toshkent: O'zbekiston.
- Mirziyoyev, S. (19 oktabr 2019 r.). Tinchlik, ma'rifat va bunyodkorlik yo'lida hamkorlik. Xalq so'zi.
- Mirziyoyev, S. (26 dekabr 2020 r.). O'zbekiston yoshlari forumida so'zlagan nutqi. <https://uza.uz/>.
- Mirziyoyev, S. (19 yanvar 2021 r.). Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari. <https://president.uz/>.
- Mirziyoyev, S. (19 fevral 2021 r.). Namangan shahrida xalq deputatlari viloyat kengashining navbatdan tashqari sessiyasidagi nutqi. <https://president.uz/>.
- Mirziyoyev, S. (2021). Yangi O'zbekiston demokratik o'zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda. Toshkent: O'qituvchi.
- Mukhammadsidiqov, M. (2020). The Importance of regulating the relationship between the state and religion in ensuring the stability of society. The Light of Islam.
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. (2018). Toshkent: O'zbekiston.
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. (2019). Toshkent: O'zbekiston.

25. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. (2020). Toshkent: O'zbekiston.
26. АХМЕДОВ, Х. (2018). ВАЖНЫЕ ДОКУМЕНТЫ ПОЛИТИКИ ОБНОВЛЕНИЯ. Вопросы политологии.
27. (2022). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига таърифи.
16. Mirziyoyev, S. (2019). Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi. Toshkent: O'zbekiston.
17. Mirziyoyev, S. (2019, oktabr 19). Tinchlik, ma'rifat va bunyodkorlik yo'lida hamkorlik. Xalq so'zi.
18. Mirziyoyev, S. (2020, dekabr 26). O'zbekiston yoshlari forumida so'zlagan nutqi. <https://uza.uz/>.
19. Mirziyoyev, S. (2021, yanvar 19). Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari. <https://president.uz/>.
20. Mirziyoyev, S. (2021, fevral 19). Namangan shahrida xalq deputatlari viloyat kengashining navbatdan tashqari sessiyasidagi nutqi. <https://president.uz/>.
21. Mirziyoyev, S. (2021). Yangi O'zbekiston demokratik o'zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda. Toshkent: O'qituvchi.
22. Mukhammadsidiqov, M. (2020). The Importance of regulating the relationship between the state and religion in ensuring the stability of society. The Light of Islam.
23. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. (2018). Toshkent: O'zbekiston.
24. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. (2019). Toshkent: O'zbekiston.
25. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. (2020). Toshkent: O'zbekiston.
26. АХМЕДОВ, Х. (2018). ВАЖНЫЕ ДОКУМЕНТЫ ПОЛИТИКИ ОБНОВЛЕНИЯ. Вопросы политологии.
27. (2022). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Samarqand viloyatiga tashrifi.

REFERENCE:

1. (2022). 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi. Toshkent. Retrieved 02 01, 2022
2. Akhmedov X. Rakhimjanov D. (2020). Protecting youth from the influence of extremist ideas and social rehabilitation. Research in Dynamical and Control systems.
3. Akhmedov, X. (2020). Education and spiritual education. The Light of Islam, 139-144.
4. Axmedov, X. (2021). Ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlash asoslari. Toshkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
5. Kadirov, M. (2020). The Strategy of the object conditions and sub-factors in the development of civil society in Uzbekistan. The Light of Islam.
6. Kakhharova, M. (2018). Question of studying personal spiritual and moral development. Eastern European Scientific Journal.
7. Mirziyoyev, S. (2016). Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent: O'zbekiston.
8. Mirziyoyev, S. (2017). Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent: O'zbekiston.
9. Mirziyoyev, S. (2017). Konstitutsiya - erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir. Toshkent: O'zbekiston.
10. Mirziyoyev, S. (2017). Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent: O'zbekiston.
11. Mirziyoyev, S. (2017, sentabr 20). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. Ma'rifat.
12. Mirziyoyev, S. (2017). Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligi garovi. Toshkent: O'zbekiston.
13. Mirziyoyev, S. (2017). Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent: O'zbekiston.
14. Mirziyoyev, S. (2018). Bilimli avlod - buyuk kelajagimizning, tadbirkor xalq - farovon hayotning, do'stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir. Toshkent: O'zbekiston.
15. Mirziyoyev, S. (2018). Xalqimiz roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Toshkent: O'zbekiston.